

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати» ДУК директори
А.Сарсенбаев
2022 йил
« »



Элликқалъа тумани «Ақчакўл» МФЙ худудида жойлашган «Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6»
кўчаларини жорий таъмирлаш смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

- Буюртмачи: ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК
- Лойиха учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2022 йил 23-24-февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни.
- Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари
- Бош лойихачи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Бош пудратчи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Қурилиш тури: Жорий таъмирлаш
- Объект жойлашган худуд: Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани «Ақчакўл» МФЙ
- Объектнинг лойихавий қуввати: Объектнинг бошланиши, узунлиги, эни ва охири ҳамда ишлар ҳажми нуқсон далолатномалари асосида аниқланади.
- Посёлка ва шаҳарлар кесишмаларида ички йўлининг ҳолати: зарур ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ишлари, йўл базаси ва тротуарнинг алоҳида қисмларини таъмирлаш.
- Ер тури: текис
- Йўлнинг техник тоифаси: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Режалаштирилган техник-иктисодий асос: талаб қилинмайди.
- Мавжуд ер ости ва ер усти тузилмалари: заруратга асосан фойдаланиш.
- Сунъий тузилмалар: бетон қувурлар ва кўприк элементларини текшириш ҳамда агар керак бўлса таъмирлаш.
- Қоплама тури: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Қурилиш муддати: икки ой
- Лойихаларни ишлаб чиқиш ва тугатиш: шартнома асосида
- Лойихалаш ва тадқиқот ташкилотини молиялаштириш ишлари: Буюртмачи томонидан
- Мухандислик қидирув ишларининг зарурлиги: Ўзбекистон Республикаси худудида амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- Топшириш қабул қилиш тартиби: Лойиха смета хужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва 3 нусхада, электрон вариантда ҳамда амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ҳолда буюртмачига топширилиши лозим. Топширилган лойиха смета хужжатларини буюртмачи корхона томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилиб бартарап етилади. Агарда ундан кейин камшиликлар аниқланса, лойихачи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини олади. Объектдаги ҚМИ бошланганидан якунигача, яъни объект фойдаланишга топширилгунгача давр мобайнида лойихачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.
- Алоҳида шартлар: Юқори турувчи орган томонидан лойиха-смета хужжатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра камчилик ва нуқсонлар аниқлан тақдирда лойихачи ташкилот жабовгар бўлиши билан биргалликда, хужжатларга ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб хужжатларга қайтадан ўз маблағлари ҳисобидан давлат экспертизадан ўтказиш мажбуриятини олади.

Тайёрлаган:  Б.Ерниязов